



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган, e-mail: axborotXiasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz


IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 18 октябрь, пайшанба, 42 (466)-сон



Қашқадарёда «қанотлар» кенг кулоч ёзмақда

4 АЁЛЛАР ҚАНОТИ



2012 йилда тадбиркорлик субъектлари сони 27 мингдан ошди

5 ИСЛОҲОТ



«Art Week Style.uz-2012»: Ҳайрат ва ҳавас лаҳзалари

7 МАЪНАВИЯТ

Партиявий акция «ЁШЛАР ҚАНОТИ» ФАОЛИ БИЛАН «GM-UZBEKISTAN» ШАРТНОМА ИМЗОЛАДИ



Бухоро давлат университети қошидаги 4-сонли академик лицей талабаси Жасур Мустафоевнинг энгил автомобилларнинг амортизация мосламалар ёрдамида фронтал зарбага бардошини ошириш борасидаги инновацион лойиҳасини «GM-Uzbekistan» компаниясида ишлаб чиқарилаётган машиналарда қўллашга қарор қилинди.

2 >>>

Сўз — ярмарка иштирокчиларига

ЖАҲОН БӨЗОРИДА ЎЗБЕК ПАХТАСИГА ТАЛАБ ТОБОРА ОРТМОҚДА

Тошкентда 17 октябрь куни VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси очилди. Унда дунёнинг қирққа яқин мамлакатидан пахта бизнеси ва йирик тўқимачилик компаниялари вакиллари, соҳа мутахассислари, экспертлар ва олимлар иштирок этмоқда. ЎЗА мухбирлари ярмарканинг айрим хорижий иштирокчилари билан суҳбатда бўлди.

Сирил ВАНДЕНБЕРГ, «Tisseray and Cie» компанияси савдо директори (Франция):

— Турли мамлакатларнинг пахта бозори бир-бирдан кескин фарқ қилади. Бизга ҳаммасидан кўпроқ Ўзбекистонда пахта бизнеси билан шуғулланиш учун яратилган қулай шароит ва сармоявий муҳит жуда ёқадди. Шу боис Ўзбекистон билан бу борда узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, мамлакатнинг ишбилармонлари билан биргаликда истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида келдик. Ўзбекистон пахта бозорига ўз ўрнини топишни истаймиз.

Олий сифатли ўзбек толаси энг яхши халқаро стандартларга жавоб беради. Бу эса, ўз навбатида, истеъмолчиларга жуда манзур бўлмоқда. Изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар самарасида Ўзбекистон жаҳон пахта бозорининг энг йирик иштирокчиларидан бирига айланди.

3 >>>

Ўзбекистон пахтачилиги ва тўқимачилик саноатининг янги истиқболлари

Тошкентда 17 октябрь куни Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бошланди



Ўзбекистон дунёда пахта етиштириш бўйича олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича учинчи ўринда туради. Мамлакатимиз жаҳон тўқимачилик бозорининг энг фаол иштирокчиларидан бири ҳисобланади. «Ўзэкспомарказ» да очилган VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва

тўқимачилик ярмаркаси ушбу соҳада мамлакатимиз билан савдо, ишлаб чиқариш ва инвестицион ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш ортиб бораётганини яна бир бор намоён этмоқда. Турли мамлакатларнинг пахта ва тўқимачилик саноати вакиллари, трейдерлар бу ерда нафақат ушбу тармоқларни

ривожлантириш тенденциялари, уларнинг маҳсулотларига бўлган талаб ва таклифнинг ўзгариб туриши, дунё бозоридagi нарх конъюктурасини муҳокама қилиш, балки ўзбек пахта толасини ҳамда ундан тайёрланган тўқимачилик маҳсулотларини етказиб бериш бўйича бевосита шартномалар тузиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

3 >>>

Ўзбекистон ва Озарбайжон

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Абдуллохик ЖАББОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЗАРБАЙЖОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ, АВВАЛАМБОР, МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ, АВВАЛГИ КЕЛИШУВЛАРНИ ТўЛА АМАЛГА ОШИРИШ, ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ Йўналишларини белгилаб олишга ҚАРАТИЛГАНИ БИЛАН НИҲОЯТДА АҲАМИЯТЛИ Бўлди

Айниқса, савдо-иқтисодий ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларнинг атрофида муҳокама қилинган. О'zLiDeP электо-

рати бўлган тадбиркор ва ишбилармонлар фаолиятини янада кенгайтиришга хизмат қилади, албатта. Чунки мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларнинг янги босқичи, шубҳасиз, ҳар икки дав-

лат ишбилармон доиралари учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Жумладан, бугун озарбайжонлик ишлаб чиқарувчилар томонидан бизга нефть-газ саноатида қўлланиладиган асбоб-ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, нефть-кимё саноати маҳсулотлари таклиф этилаётган бўлса, айни пайтда Ўзбекистон корхоналари Озарбайжонга замонавий энгил ва юк автомобиллари, автобуслар, қишлоқ ҳўжалиги техникаси, кенг турдаги электротехника, кимё саноати, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, цемент ва қурилиш материаллари, минерал ўғит ва бошқа товарларни етказиб бермоқда.

Масалан, Озарбайжонда «GM Ўзбекистон» корхонасининг «Шевроле» бренди остида ишлаб чиқарилаётган энгил автомобилларига талаб юқори.

2 >>>

Парламентда

Тадбиркор ўттиз кун олдин огоҳлантирилиши шарт



О'zLiDeP фракцияси аъзолари ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатларини мустаҳкамлашга оид қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқил-

ган мазкур қонунлар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. О'zLiDeP фракцияси аъзоси Маъруф Усмоновнинг айтишича, юқорида тилга олинган фар-

моннинг 3-бандида 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитларни янада яхшилашга йўналтирилган аниқ чора-тадбирларни жорий этиш назарда тутилган.

2 >>>

Ислоҳот

Тараққиёт ва фаровонликка йўналтирилаётган миллиардлар

Маълумки, 2008 йилдан буйн дунё иқтисодий ва саноат оғир синовларга дучор этаётган молиявий инқироз зарбалари асосан иқтисодийнинг қон томири саналган банк-молия тизимига тўғри келди

Агар жаҳон молия тизимида рўй берган ана шу ҳолатни чуқурроқ таҳлил этсак, Ўзбекистонда инқирознинг олдини олишга қаратилган изчил чора-тадбирларнинг ўз вақтида қабул қилингани туфайли мамлакатимиз банк тизими ўз ишчанлигини сақлаб қолганига гувоҳ бўламиз.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашларича, уш пайтда Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «2008-2015 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чора-тадбирлар Дастури» Ўзбекистон банк тизимини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодий тизимиз барқарорлигининг ҳам асоси-



га айланди. Айни пайтда мамлакатимиз банк-молия тизимига кирувчи тижорат банкларининг давлат томонидан изчил қўллаб-қувват-

ланаётгани ҳам тизимда эришилаётган салмоқли натижалар қайд этилишини таъминламоқда.

6 >>>

ШУ СОНДА:

4

ХДП ВАКИЛЛАРИ ФИКРИГА КўРА, ТАДБИРКОР ЭРКИН ФАОЛИЯТДАН ЭМАС, НАЗОРАТДАН МАНФААТДОР ЭКАН

Ўзбекистон пахтачилиги ва тўқимачилик саноатининг янги истиқболлари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Анна ИВАНОВА, ЎЗА мухбири

VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг очилиш маросимида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ва бутун дунёда "Ўзбек модели" деб эътироф этилган тараққиётнинг узвий қисми ҳисобланган кенг кўламли иқтисодий ислохотлар салмоқли натижалар бераётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбари томонидан юриштирилган пухта ўйланган иқтисодий сиёсатнинг изчил амалга оширилиши туфайли мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлиги, жумладан, миллий пахта ва тўқимачилик комплекси самардорлигини ошириш, пахта толасидан юқори қўшимча қийматга эга сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда экспорт таркибида унинг улушини кўпайтириш ҳисобидан йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ўзбекистон бутун иқтисодиёти жадал ривожланиб бораётган давлатлардан. Дунёда глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётган бир пайтда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари йилга ўртача 8,2 фоизни ташкил этаётгани ҳам миллий иқтисодиётимизнинг барқарорлиги ҳамда улкан салоҳиятга эга эканидан ёрқин далолат беради. Статистик маълумотлар ушбу иқтисодий тенденция жорий йилда ҳам сақланиб қолишини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда жаҳоннинг энг юксак талабларига жавоб берадиган пахта толасини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича ташкил этилган замонавий комплекс ҳам жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Соҳада чуқур таркибий ислохотларнинг амалга оширилиши, барча бўғинларнинг тизимли равишда модернизация қилиниши, техник ва технология қайта жиҳозланаётгани, тегишли инфратузилманинг жадал ривожланаётгани, шунингдек, замонавий бозор механизмларининг кенг жорий этилаётгани сабабли ушбу комплекс фаолиятининг самардорлиги юксалмоқда. Бу эса сарфланаётган маблағлардан самарали фойдаланиш даражасини оширмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси бу борадаги жараёни янада кучайтириш учун янги, янада кенг имкониятлар очиб беради. Ушбу дастурий ҳужжатга мувофиқ иқтисодиётини эркинлаштиришни жадаллаштиришга қаратилган қонунчилик базаси такомиллаштирилмоқда, иқтисодиётимиз, шу жумладан, пахта толасини етиштириш ҳамда тўқимачилик каби муҳим тармоқлар рақобатбардошлигини янада оширишга доир аниқ мақсадли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Энг юқори стандартларга мос ўзбек пахта толасига жаҳон бозорида талаб ортиб бораётди. Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг Ўзбекистонлик шериклари билан амалий муносабатларни кенгайтиришдан манфаатдор иштирокчилари сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани ҳам шундан далолатдир. Мисол учун, 2005 йилда ўтган дастлабки ярмарка дунёнинг 30 мамлакатидан 170 га яқин трейдерлик ва тўқимачилик компаниялари вакиллари ташриф буюрган бўлса, ўтган йили уларнинг сони 660 нафардан ошди. Бу йил саккизинчи мартаба ўтказилаётган ярмаркада эса 38 давлатдан пахта ва тўқимачилик соҳасида фаолият кўрсатаётган компанияларнинг минг нафардан ортиқ вакили иштирок этмоқда. Шунинг

этиборлики, нафақат толамизга талаб юқори бўлган Жануби-шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг тўқимачилик компаниялари, балки Ўзбек тўқимачилик маҳсулотларини сотиш бўйича муваффақиятли бизнес юритаётган Европа, Латин Америкаси ҳамда бошқа минтақалар савдо фирмаларининг Ўзбекистон билан ҳамкорликдан манфаатдорлиги ортиб бораётгани натижасида пахта ҳамда ундан тайёрланаётган товарларимизни етказиб бериш жугрофияси ҳам тобора кенгаймоқда.

Бундай йирик халқаро талбирда иштирок этиш мен учун катта шараф, — дейди «Cotton Outlook» халқаро ахборот агентлигининг бошқарувчи директори Р.Батлер. — Агентлигимиз дунёнинг турли давлатларида етиштирилган пахта толаси сифатини мунтазам мониторинг қилиб боради, талаб ва таклиф тенденцияларини ўрганади. Ўзбекистон тола етказиб берувчи олти етакчи давлатдан биридир. Ўзбек пахтаси барча халқаро стандартларга жавоб бериши ва кенг истеъмолчилар талабларини қондираётгани туфайли мамлакатимиз жаҳон бозорида ўз ўрнини барқарор сақлаб турибди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда пахтачилиги ривожлантириш энг илғор агротехнологияларни қўллаш, хусусиятлари яхшиланган янги навларни яратиш ва пахта тозалаш саноатида инновация ишланмаларини жорий қилишга асосланган. Мисол учун, истиқлол йилларида ўзбекистонлик селекционерлар пахтанинг 162 навиини яратди, уларнинг эртапишарлиги, ҳосилдорлигининг юқорилиги, толасининг тозаллиги ва узунлиги, зараркундаларга чидамлилиги ҳамда мамлакатимизнинг турли ҳудудлари иқлим шароитига мослиги билан ажралиб турадиган 45 таси давлат реестрига киритилган ва етиштириш учун тасвир этилган. Бугунги кунда даладаримизда етиштирилган ҳосилнинг 83 фоизини «олий» ва «яхши» навли пахта толаси ташкил этади. Ўзбек пахтаси жаҳон бозорида талаб этилаётгани ва асосий сифат кўрсаткичларидан бири бўлган микро-нейр даражасига тўлиқ жавоб беради.

Албатта, Ўзбекистонда бундай сифатли пахтани етиштиришда, биринчи навбатда, меҳнатсевар деҳқон ва фермерларимизнинг хизмати каттадир. Давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ва янада кенгайтириш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Фермер хўжаликларини имтиёзли кредитлар билан таъминлаш тизими ташкил этилиб, мунтазам такомиллаштирилмоқда, улар энг сара уруғлик, қишлоқ хўжалик техникаси, ёқилғи-мойиллаш материаллари билан таъминланмоқда, давлат буюртмаси доирасида ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг харид нархлари ортиб бораётди.

Пахта тозалаш саноати ҳам жадаллик билан модернизация қилинмоқда, ишлаб чиқаришга энг замонавий технологиялар жорий этилмоқда. Сунги йилларда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги барча пахта тозалаш заводлари реконструкция ва модернизация қилинди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 22 фоиздан ошди, тола сифати ҳам ортди.

Ярмарка қатнашчилари бу ерда намойиш этилаётган ва жорий мавсумда мамлакатимиз пахта заводлари томонидан ишлаб чиқарилган пахта толаси навларининг намуналари билан танишиш имконига эга. Ярмаркада сотиб олинadиган ҳар бир той пахта сифати «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази томонидан қафолатланган. Марказ ва унинг барча ҳудудий лабораториялари пахта толасини



тектириш учун энг замонавий НВИ юқори технологик тизимлар билан жиҳозланган. Шу билан бирга, яқин келажакда ишлаб чиқаришни янада модернизация қилиш режалаштирилмоқда.

Ярмарканинг очилишида Ўзбекистонда ривожланган бозор иқтисодиётини шакллантириш ва уни юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришига йўналтириш давомида тўқимачилик саноати ҳам изчил ривожланиб, янги корхоналар ишга туширилаётгани, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ортиб бораётгани таъкидланди. Бундан ташқари, пахта толасини чуқур қайта ишлаш ҳамда ошмоқда. Бу кўрсаткич XX асрнинг 90-йилларидаги 7 фоиздан 2011 йилда 40 фоизга ўсди. Мамлакатимизда катта ҳажмда хомашё, ишлаб чиқариш ресурслари ва юқори малакали кадрлар мавжудлиги боис ушбу жараён янада жадаллантириш ва янада кенгайтириш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Фермер хўжаликларини имтиёзли кредитлар билан таъминлаш тизими ташкил этилиб, мунтазам такомиллаштирилмоқда, улар энг сара уруғлик, қишлоқ хўжалик техникаси, ёқилғи-мойиллаш материаллари билан таъминланмоқда, давлат буюртмаси доирасида ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг харид нархлари ортиб бораётди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори ушбу вазифаларни ҳал этишга қаратилган. Мазкур ҳужжатда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хомашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш ҳисобидан экспортга мўлжалланган рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларни хорижда сотиш бозорларини кенгайтириш зарурлиги қайд этилган.

Бугун мамлакатимизда 2,2 мингдан ортиқ енгил саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 280 дан ортиғи «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибига кириди. Шу билан бирга, қўшма корхоналар сони ҳам кўпаймоқда. 2015 йилга мўлжалланган енгил саноатни ривожлантириш дастурига мувофиқ соҳага энг замонавий технологиялар жорий этилмоқда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари ҳар йили йигирмадан

ортақ турга кўпаймоқда. Бугун Ўзбекистонда тайёрланаётган тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг қирқдан зиёд давлатига экспорт қилинмоқда. Талаб эса янада ошмоқда.

Мамлакатимизда кулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳити яратилгани сабабли тўқимачилик саноатига инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажми ошмоқда. Бу эса фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлашни жадаллаштириш, хорижий ишлаб чиқарувчилар билан муваффақиятли рақобатлаш оладиган янги замонавий корхоналарни ташкил этиш имконини бермоқда.

Компаниямиз дунёнинг кўпжа мишқалларида қирқта корхонага эга ва ўз маҳсулотларини юздан ортиқ мамлакатга етказиб беради, — дейди «Индорама Групп» тўқимачилик компанияси вице-президенти П.Кежривал. — 2010 йилда Ўзбекистонда Марказий Осиёдаги энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган «Индорама Кўқон текстиль» қўшма корхонасини ташкил қилдик. Корхонада жаҳон талабларига жавоб берадиган ва мамлакатимизда етиштирилаётган пахта толасининг юқори сифатини тўлиқ акс эттирадиган ип ишлаб чиқарилмоқда. Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлигимиз катта истиқболга эга, бунинг учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистонда ҳукм сураётган барқарорлик, жумладан, иқтисодий барқарорлик бу борада муҳим омил бўлаётди. Биз ушбу ҳамкорликдан фойдаланишдан манфаатдоримиз ва уни янада ривожлантириш ниятидамыз.

Ярмаркада Ўзбекистон енгил саноат корхоналарининг кенг турдаги маҳсулотлари — ил, полотно, газламалар, тайёр трикотаж, шунингдек, ипак буюмлари намойиш этилмоқда. Бундан ташқари, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибига кириди. Шу билан бирга, қўшма корхоналар сони ҳам кўпаймоқда. 2015 йилга мўлжалланган енгил саноатни ривожлантириш дастурига мувофиқ соҳага энг замонавий технологиялар жорий этилмоқда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари ҳар йили йигирмадан

тайёрланган ранг-баранг либослар моделлари хорижий иштирокчиларга катта қизиқиш уйғотди.

Бу йилги ярмарканинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда мамлакатимиз ҳудудларининг инвестиция салоҳияти ва тўқимачилик саноатини ривожлантиришга доир янги лойиҳалар тақдим этилмоқда. Хорижий ишбилармон доиралар вакиллари мамлакатимиз тўқимачилик саноатига сармоя киритишдан манфаатдор эканини таъкидладилар. Уларнинг ҳамкорлигини кенгайтиришдан манфаатдорлиги нафақат пахтаимиз ва ундан тайёрланган товарлар юқори сифатга эгалиги, балки мамлакатимизда уларни харид ва транспортировка қилиш, қафолатли етказиб бериш учун яратилган кулай шароитлар, транспорт коридорлари тизими йўлга қўйилгани, мослашувчан нарх сисбати мавжудлигига асосланган.

Хусусан, Халқаро пахта ассоциацияси президенти А.Эстив, «Cotton Bangladesh» халқаро агентлиги бош муҳаррири К.Ахсан, Тианжин пахта биржаси директори Би Южан (Хитой), Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар халқаро федерациясининг (ITMF) бошқарув кенгаши аъзоси, «Ритер АГ» компанияси раиси П.Пнеги ва бошқалар шу ҳақда гапирди. Улар Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда пухта ўйланган ва истиқболга мўлжалланган изчил иқтисодий ислохотлар сиёсатининг амалга оширилиши натижасида миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини янада юксалтириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилганини таъкидладилар. Бу эса Ўзбекистон билан узаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар очмоқда.

Ярмарканинг биринчи иш кунинда ўзбек пахтаси ва тўқимачилик маҳсулотларини харид қиладиган давлатларнинг делегациялари билан музокаралар ўтказилди. Уларда мамлакатимизнинг ишлаб чиқарувчи корхоналари ва ташқи савдо компаниялари вакиллари қатнашди.

VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Сўз — ярмарка иштирокчиларига

Жаҳон бозорида ўзбек пахтасига талаб тобора ортмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Аюб ХУССАЙН, «Rapid Inspection Services Limited» компанияси бошқарувчи директори (Бангладеш):

Ўзбек пахтасининг сифати аъло даражада ва бу ҳақда бугун бутун дунё биледи. Шу боис Бангладешда ўзбек пахтасига талаб йил сайин ортиб бормоқда. Биз узоқ йиллардан буён Бангладеш тўқимачилик саноатида ўзбек пахтасидан фойдаланиб келамиз. Ўзбекистон билан Бангладеш ўртасида пахтачилик соҳасидаги ҳамкорлик изчил ривожланаётгани бизни фойдалантиради.

Компаниямиз пахта сифатини назорат қилиш билан шуғулланади. Айтишим жоизки, ўзбек пахтаси юқори сифати, пишқилтиги билан ажралиб туради. Шу боис жаҳон пахта бизнеси етакчиларидан бири бўлган Ўзбекистоннинг нуфузи халқаро бозорда йилдан-йилга ортиб бораётди. Юксак савияда ташкил этилган мазкур анжуманда турли мамлакатлардан келган етакчи компаниялар вакиллари, талбиркорлар, пахта саноати мутахассислари, экспертлар ва таҳлилчилар қатнашмоқда. Иштирокчилар ўзбек пахтасининг юқори сифатини таъминловчи омиллар билан танишиш, фикр ва тажриба алмашиш имконига эга бўлаётди. Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси нафақат Ўзбекистон иқтисодиётини тараққий эттиришга, балки жаҳон пахта савдосини ривожлантиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Терри ТАУНСЕНД, Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси ижрочи директори (АҚШ):

Дунёда пахтага эҳтиёж йилдан-йил ошмоқда. 2005 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур ярмарка жаҳон пахта саноатида жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис унинг иштирокчилари сони йил сайин ортиб бормоқда. Дунёда Ўзбекистон пахта бозорига катта қизиқиш билан қаралади. Ҳар гал ушбу ярмаркага келганимизда, мамлакатимизда пахтачилик жадал ривожланиб, соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини гувоҳи бўламиз.

Ўзбекистонда пахта етиштириш учун замонавий инфратузилма яратилган. Мамлакатимиз пахта саноатини ривожлантириш борасида юксак натижаларга эришмоқда. Ўзбекистонда истеъмолчиларнинг талабларига жавоб берадиган пахтанинг кўпжа навлари мавжуд. Толани сотиб олиш учун ҳам қулай шарт-шароитлар яратилган.

Жонг Вей ХИАНГ хоним, «Sinotrans Landbridge Transportation» компанияси савдо менежери (Хитой):

Ўзбекистон бутун жаҳон пахта бозоридаги етакчи мамлакатлардан бўлиб, пахта етиштириш бўйича олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича учинчи ўринда турди. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу анъанавий ярмарка мамлакатимизнинг мазкур соҳадаги узаро манфаатли ташқи савдо ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётди. Ўзбекистонда ушбу тармоқларни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, замон талабларига мос пахта етиштириш, пахта толасини халқаро стандартларга мувофиқ қайта ишлаш ва сотиш комплексини ташкил этиш борасида кўпжа ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

«Sinotrans Landbridge Transportation» компанияси пахта етказиб бериш билан шуғулланади. Аъло навли ўзбек пахтасига Хитой пахта саноатчилари орасида талаб жуда катта. Айни пайтда юқори сифати бутун дунёда эътироф этилган ўзбек пахта толасига бўлган эҳтиёж жаҳон бозорларида ҳам мунтазам ортиб бораётди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда пахтачилик соҳасини мунтазам такомиллаштириб боришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга, селекция ишларини тўғри йўлга қўйишга, сифатли ва рақобатбардош пахта толаси тайёрлашга қаратилган доимий эътибордан ибрат оلسа арзийди.

Тринх ХОА, «Victory International Spinning Joint Stock» компанияси бош директори (Вьетнам):

2011 йили ўтган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида беш юз тонна ўзбек пахта толасини харид қилган эдик. Бу йил ушбу кўрсаткични янада оширишни мўлжаллаяпмиз. Мазкур ярмарка пахта етказиб берувчилар ва харидорларнинг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга, узаро фойдали муносабатларни кенг йўлга қўйишга хизмат қилади.

Ўзбекистон пахтаси сифат жиҳатидан жаҳонда энг юқори ўринларда туради. Сунги йилларда ўзбек пахта толасининг сертифициция даражаси сезиларли равишда ошганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ярмаркада жаҳон пахта бозоридаги талаб, таклиф ва нархлар конъюнктурасидаги ўзгаришлар, турли мамлакатларда пахта саноатини ривожлантириш хусусиятлари ҳамда тўқимачилик саноатидаги сунги тенденциялар ҳақида маълумот олиш имкониятига эга бўляпмиз. Бу эса талбирнинг барча иштирокчилари учун жуда фойдалидир.

ЎЗА мухбирлари
Мадина УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА ёзиб олди.

Мамбуом марказида

ЙўЛЛАРГА АЖРАТИЛАЁТГАН МИЛЛИОНЛАР

Миллий матбуот марказида «Республика ҳудудидаги умумий ҳамда Ўзбек миллий автомагистралли таркибидagi йўللари сақлаш, таъмирлаш ва қайта қуриш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда «Узавтоўл» давлат акциядорлик компанияси мутахассислари тегишли дастурлар ва ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида истиқлол йилларида 1440 км. йўл янгидан қурилган ва реконструкция қилинганини таъкидладилар. 12420 км. дан ортиқ йўл эса таъмирдан чиқарилган. 2011-2015 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурига мувофиқ, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида Ўзбек Миллий автомагистралли таркибига кирувчи янги 220 км.дан ортиқ автомобиль йўли қурилган ва таъмирланган. Учрашувда инвестиция дастурига кўра, 2015 йилга қадар яна 1487 км. автомобиль йўллари реконструкция қилиниши ҳамда тўрт тасмали йўлга айлантирилиши, умумий фойдаланувдаги автомобиль йўллари сақлаш ва жорий таъмирлаш учун қиймати 34,9 млн. АҚШ долларидек 444 та машина-механизм техникалари харид қилиниши, 24 та йўл қурилиши ва таъмирлашдан чиқарилиши назарда тутилгани маълум қилинди.

ХДП вакиллари фикрига кўра, тадбиркор эркин фаолиятдан эмас, назоратдан манфаатдор

«Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан О'зЛиДеР илгари сураётган нуқтаи назар — соҳага кенгроқ эркинлик бериш, кафолатлар тизимини янада кучайтириш тўғрисидаги таклифларни танқид остига олган ХДП булар тадбиркорлар манфаатига зид, деган фикрни билдирмоқда

Озод РАЖАБОВ, XXI ASR

Энг аввало, кейинги бир ой мобайнида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокамаларда ўз электрон лойиҳаси юзасидан фракциялараро баҳс-мунозаралар тобора қизгин тус олаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу жараён нафақат парламентдаги тадбиркорлар, балки оммавий ахборот воситаларида ҳам ўз аксини топтомоқда.

Айтиб ўтиш керакки, мазкур баҳслар кўйи палатада фаолият юриётган ҳар бир фракциянинг бундай мунозаралари ўз электрон лойиҳасида барча аҳоли қатлами манфаатини инобатга олишга имконият яратмоқда.

Ўз навбатида юқорида тилга олинган қонун лойиҳаси юзасидан ўтаётган баҳс-мунозаралар фуқароларга ҳам ҳар бир фракциянинг нуктаи назари билан ақиндан танишишга шароит туғдирапти.

Хусусан, «Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 9 октябрь сонидан чоп этилган мақолада кўп масалалар очик қолганлигини кўриш мумкин. Масалан, унда муҳокама қилинаётган қонунни қабул қилишдан мақсад нима ўзи ва ХДПнинг бу борада илгари сураётган нуқтаи назари ана шу мунозаралар амалга оширишга қанчалик хизмат қилади. О'зЛиДеР илгари сураётган позициянинг айнан қайси жиҳатлари ХДПни қониқтирмапти, қандай қонун қабул қилсак, у эртага чет эл ва маҳаллий сармоядорларнинг хусусий банклар ва молия институтлари тизимига фаол кириб келиши учун мустақкам ҳуқуқий асос яратилади, деган саволларга умуман жавоб йўқ.

Маълумки, мазкур қонун лойиҳасини қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад — хусусий банклар ва молия институтлари фаолиятига хусусий капитални фаол жалб қилиш учун зарур ҳуқуқий асосни шакллантириш эканлигини инобатга олсак, ХДП илгари сураётган нуқтаи назар ўшбу мақсадни амалга оширишга муваппақ хизмат қилмаслиги ойдинлашади. Албатта, ўшбу партиянинг «хусусий банк ва молия институтлари тизимини оқилона тартибга солиш зарурлиги», «улар фаолиятининг ижтимоий йўналиштига алоқаси кучайтириш», «давлат назоратини сушайтириш юртимиздаги тўғрисидаги фикрларни қайсибир маънода эътиборга олиш бўлиши мумкин.

Лекин қўйилган мақсад, яъни соҳага хусусий капитал кириб келишини таъминлашга бундай ёндашув қай даражада кўмак беради? Еки ХДП вакиллари инвестициялар миқдорини соҳа устидан ўрнатилган назорат даражаси билан боғлиқ деб ўйламоқдаларми?

О'зЛиДеРнинг фикрича, назорат масалалари банк-молия соҳасини тартибга солишчи қонунчиликда ўз аксини топган, қолверса, бу масала муҳокама қилинаётган қонун лойиҳасида ҳам етарли даражада назорат тўғрисида қўйилган мақсадни қабул қилишдан қўйилган мақсадни рўйбега чиқаришга, пировардида, ташқи ва ички инвесторларнинг кўпайишига замин яратилади.

Ўшбу партия ёндашувидаги қарам-қаршиликни аниқроқ ифода этувчи бир мисолга тўхталиб ўтсак. Қонун лойиҳасида илгари сураётган қонун лойиҳасидан бири — хусусий банклар ҳўжалик фаолиятини текширишлари беш йилда бир марта амалга ошириш нормасини О'зЛиДеР ўшбу ҳужжатнинг энг муҳим қоидаси сифатида қўллаб-қувватлаётган бўлса, ХДП аксинча, мазкур нормани қайта кўриб чиқиш, текшириш муаддатларини ҳозирги кўринишда сақлаб қолиш, яъни бу борада мавжуд меъёrlарни ўзгартирсиз қолдириш тарафлори бўлиб қолмоқда.

О'зЛиДеР нафақат ўшбу норма, балки хусусий банклар ва молия институтларининг молия-ҳўжалик фаолиятига давлат органларини ҳодимлари томонидан етказилган зарарнинг қоплиниши, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ва бошқа идоралар ёки уларнинг мансабдор шахслари қарорларидан норози бўлганда давлат божи тўламасдан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилиши назорат тўғрисидаги қонунга берилаётган кафолатлар тизимини янада кучайтиришга хизмат қилишини муҳим жиҳатлар сифатида баҳолайди. Айниқса, қонун лойиҳасида текшириш жараёнида юзага келадиган низолар ва қонун йўли билан ҳал қилиб бўлмайдиган барча ноаниқликлар хусусий банклар ва молия институтлари фойдасига талқин этилиши билан боғлиқ нормалар ўз аксини топаётгани ўшбу ҳужжат аҳамиятини янада оширади.

Мана шу фикрларнинг ўзбек қабул қилинаётган қонун лойиҳаси юзасидан икки партия нуктаи назаридаги фарқни аниқ ифода этилиши ва қонундан кўзланган асосий мақ-

сад соҳага хусусий қатламни жалб қилиш экан, қай бир партия таклиф этаётган йўл ўшбу мақсадни амалга ошириш имконини беришини яққол кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, О'зЛиДеР илгари сураётган нуқтаи назар янги инвестициялар ҳисобига қўшимча иш ўринлари очилиши, ишлаб чиқариш қувватларининг кенгайиши, қолверса, солиқ тушумлари кўпайишини аниқлатади. Айтмоқчимизки, О'зЛиДеР илгари сураётган қараш нафақат ўз электронати, балки ХДП электронати манфаатларига ҳам хизмат қилади. ХДП таклиф қилаётган, кўрилатган масалаларда унинг қайта-қайта назорат масалаларига қаратилиши соҳага сармоя кириб келишига акс таъсир кўрсатади. Демак, ХДПнинг позицияси нафақат О'зЛиДеР илгари сураётган яратувчанлик йўли, балки ўз электронати манфаатларини ҳам инкор қилиш билан баробардир.

Шу ўринда банк-молия соҳасини босқичма-босқич либераллаштириб боришга эҳтиёткорлик билан ёндашиш, ҳар қандай янгиликлар ортда «чегарасиз бозор эркинлиги» деган ўзи тўқиб чиқарган шарпалдан қўриқиб, давлат назоратининг мавжуд меъёrlарни юмшатиши банк-молия соҳасида мавжуд барқарорликка таҳдид сифатида кўриш ортда нима турибди, деган савол туғилади. Иқтисодиётнинг барча соҳалари каби ўшбу тизимни ҳам изчил либераллаштириш сисбатига «либераллаштириш қўллаб-қувватлаётган ва инқирозга олиб келадиган йўл» сифатида қараш ҳисси бирор асосга эгами?

Фикримизча, бундай ёндашувлар негизда давлат назорат функцияларини мулкдорларнинг ҳамда тобора ривожланиб бораётган фуқаролик жамияти институтларининг, бозор иқтисодиёти принциплари асосида фаолият юритувчи янги тузилмаларнинг ролига ишончилик билан қараш ётади, ҳоло.

Буни ХДП ўртага ташлаётган айрим қонун мисоллари таҳлил қилишга уриниб қўрайлик.

ХДП фикрича, банк-молия тизими устидан кучли назоратини унинг барқарорлигини таъминлайди. «Тадбиркорларнинг қўллаб-қувватлаётган молия институтларининг фаолияти бўйича давлат назорати меъёrlарининг сушайтирилиши бу тизим барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади», — дейди ХДП фракцияси аъзоси Анвар Бойқўлов.

О'зЛиДеР аъзоларининг фикрича, ўшбу соҳада барқарорликнинг таъминланишида маълум даражада давлат назоратининг ўрнини инкор қилмаган ҳолда соғлом рақобат муҳитининг тараққий этиб бориши

муҳим аҳамиятга эга. Рақобат муҳитининг кучайиши эса нафақат соҳанинг барқарорлигини таъминлашга, балки хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига катта туртки беради. Ўз навбатида, бундай рақобат муҳити фақатгина соҳани босқичма-босқич либераллаштириб бориш, тегишли кафолатлар тизимини мустақкамлаш эвазига яратилиши мумкин. Айнан мана шу нарса соҳага хусусий капиталнинг фаол кириб келишини таъминловчи муҳим омиллардан биридир.

Фақатгина хусусий капитал учун кафолатлар тизимини мустақкамлаш, соҳанинг шаффофлигини таъминлаш, молия институтлари, шу жумладан, хусусий банклар фаолиятига аралашувларни чеклаш тизимини янада такомиллаштириш орқалигини бундай мақсадни амалга ошириш мумкин.

Ўзбекистондаги барқарорлик нафақат банк-молия тизими, балки барча соҳа ва тармоқларни комплекс тарзда ривожлантириш, иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштириш, хусусий секторга кўпроқ эркинлик бериш юзасидан амалга оширилатган кенг қўламли изчил илоҳотлар натижасидир. Демак, ўз нуқтаи назарини нима биландир дастаклаш илҳиқидида мамлакатимиз эришган ютуқларни фақатгина назоратга олиб бориб тақаш ноқоиш, назаримизда.

Кейинги йиллар давомида нотўғри сисбат юритилиши оқибатида иқтисодий инқирозга учраган айрим давлатлар, хусусан, Грецияни шатакка олиб, катта миқдорда транш ажратилган Германияда молиявий операцияларнинг қарийб тўртдан уч қисми 400 дан зиёд хусусий банклар томонидан амалга оширилатгани, Ўзбекистонда бугун 30 га яқин хусусий банк самарали фаолият кўрсатаётгани қандай қилиб инкор этиш мумкин.

Қизғин шундаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жалд ривожланиши биринчи галда ижтимоий соҳа вакиллари қўллаб-қувватлаш имконини сезиларли даражада кенгайтиришини ХДПчилар тушуниб етишига йиллар керак бўлди. Агар хусусий банклар ва молия институтларига эркинлик бериш масаласида ҳам шу ҳол такрорланса, бундай йўқотишнинг салмоғини ўлчаш ниятда мушкул бўлиб қолади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, О'зЛиДеР бундан буён ҳам бошқа соҳаларда бўлганидек, банк-молия тизимида давлат назоратини кучайтириш эмас, аксинча, улар учун кафолатларни янада мустақкамлаш йўли билан соҳани ривожлантириш мумкин, деб яна бир бор таъкидлайди.

«Аёллар қаноти»



Қашқадарёда «қанотлар» кенг қулоч ёзмоқда

Бугунги кунда 5 мингдан зиёд қашқадарёлик тадбиркор опасингилларимиз ҳам иқтисодиётнинг турли жабҳаларида самарали иш олиб бориб, вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этмоқдалар

Сайфулла ИКРОМОВ, XXI ASR

Ўтган давр мобайнида улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 12 миллиард сўмга яқин кредит ажратилгани аёллар тадбиркорлигини янада ривожлантириш имконини берди. Айни пайтда О'зЛиДеР аъзолари бўлган 3448 нафар хотин-қизнинг 1109 нафарини тадбиркор, фермер ва ҳунарманд аёллар ташкил этмоқда. Партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, вилоят кенгаши қошидаги «Аёллар қаноти» бўлими аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг сиёсий фаолигини ошириш орқали опасингилларимизнинг жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришга кўмаклашмоқда. Партия фаоллари ва депутатлар иштирокида ўтказилаётган турли анжуманлар ҳам хотин-қизларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларни кичик бизнес ва хусу-

сий тадбиркорликка жалб этиш масалаларига қаратилмоқда.

Бу жараёнда О'зЛиДеР тадбиркор ва фермер аёлларнинг амалий тажрибасидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилаётган. Хусусан, «Ташаббус-2010» кўрик-танлови ғолиби, «Шуҳрат» медали соҳиббаси Салтанат Қўлдошева шу кунга қадар 100 нафардан ортиқ ёш қизларга хунар ўргатди. С.Қўлдошеванинг «Чироқчи гиламчилик мактаби»да таҳсил олган қизларнинг ўзлари ҳам ёшларни касбга йўналтириш ва улар бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишга эришди. Тадбиркор Зиёда Ҳайитова эса Қарши шаҳрида «Элегант-Зиёда дизайн» ўқув маркази ишини йўлга қўйган эди. Бугунгача 400 нафардан зиёд хотин-қизлар ўшбу марказни тугаллаб, турли соҳаларда меҳнат қилмоқдалар. Деҳқонobod туманидаги «Бешбулоқ» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси раҳбари, халқ депутатлари туман кенгаши депутаты Нодира Бойназарова, касбилик фермер Дилафруз Жўраева, Қарши туманидаги «Гулшан» хусусий фирмаси раҳбари Кундуз Каромова ҳамда халқ депутатлари вилоят кен-

гашу депутаты Исмигул Хўшмуродова сингари фаоллар ҳақида ҳам ана шундай фикрлар билдириш мумкин.

Шу ўринда «Аёллар қаноти»нинг О'зЛиДеР дастури ва сайловли платформасида белгилаб олинган вазифалардан келиб чиқиб вилоятнинг турли қишлоқларида ўтказилаётган «Аёл ва маънавият», «Сариштали бека» сингари тадбирларида хотин-қизлар фаол иштирок этмоқдалар. Ўзбекистон Фермер ҳўжаликлари уюшмаси вилоят филиали ҳамкорлигида эса «Фермер аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида иқтисодий-ҳуқуқий билимларини оширишда О'зЛиДеРнинг роли» мавзусида қатор семинарлар ташкил этиляпти.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Юртбошимизнинг «Йирик санаот корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида партия фаоллари кўмагида хотин-қизлар учун 20 мингга яқин иш ўрни яратилди. Айни пайтда Шаҳрисабз, Муборак ва Деҳқонobod туманларида юзлаб хотин-қизлар гиламчилик, ироқи каштачилик, зардўзлик билан шуғулланиб, оила даромадида даромад кiritишяпти.

— Хотин-қизларимиз ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаолигини ошириш мақсадида жорий йилда эллика яқин тадбирлар ташкил этилди, — дейди вилоят кенгаши «Аёлларнинг сиёсий фаолигини, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш» бўлими мудири Гулбаҳор Тўраева. — Асосий мақсадимиз вилоятда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишдир.

Бир сўз билан айтганда, Қашқадарёда ҳам «Аёллар қаноти» кенг қулоч ёзиб, опасингилларимиз кўмакчасига айланаяпти.

Энг юқори баҳо — 282 миллионни тадбиркор белгилади

2011 йилдан кучга кирган «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни сурхондарёлик тадбиркорлар фаолиятига кенг йўл очиб, кўчмас мулк бозорида рақобатни кучайтирмоқда

Фарход ТОШБОЕВ, XXI ASR

Сурхондарё вилоятида ўшбу қонун билан белгиланган хизмат турларини республика «Кўчмас мулк савдо хизмати» масъулияти чекланган жамиятининг вилоят филиали амалга ошириб, аукцион, оммавий оферта ва тўғридан-тўғри музокаралар йўли билан ўтказилаётган савдоларни ташкил этапти. Тадбиркор ва ишбилармонларга қонунда белгиланган бошқа хизматлар ҳам кўрсатилмоқда.

— Жорий йилнинг ўтган даврида миқозлар учун аукцион ва оферта савдолари орқали ўнга яқин бино ва иншоотлар савдосини ташкил этдик, — дейди «Кўчмас мулк савдо хизмати» масъулияти чекланган жамияти вилоят филиали директори ўринбосари Ўктам Рашидов. — Жумладан, «Узмахсустрас-ФВВ» давлат унитар корхонасининг Термиз шаҳридаги бир қаватли олти хонадан иборат биноси, Шеробод туманидаги «Шеробод-УЧМС» масъулияти чекланган жамиятининг беш хонали савдо дўкони, Шўрчи туманидаги 2530-давлат корхонасига тегишли бостирма, оператор хонаси бинолари, «Авест-Экспресс» корхонасига тегишли, майдони 111,36 квадрат метр бўлган бир хонали омборхона биноси ва бошқа иншоотлар учун ўтказилган савдолар жуда қизгин бўлди. Савдоларда очиклик ва ошқораликнинг таъминланишига мулк бозорининг баҳосига нисбатан анча юқори бўлишини таъминламоқда.

Дарвоқе, икки ва undan ортиқ харидор иштирок этаётган савдолар нархларнинг босқичма-босқич ошиб бориш тартиби ташкил этилиб, энг юқори нархни таклиф этган миқоз аукцион ғолиби бўлмоқда. Йилнинг ўтган даврида ташкил этилган савдоларда энг юқори нархда сотилган

кўчмас мулк банкрот деб эътироф этилган «Ангормахсуссудренаж» масъулияти чекланган жамиятининг мол-мулклари бўлиб, улар 282 миллион 500 миң сўмга ўз харидорини топди. Банкрот бўлган МЧЖнинг маъмурий биноси ва бошқа мол-мулкларига «Жаҳонгир давр курилиш сервис» хусусий корхонаси эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкил этилаётган савдолардан мулкдорлар, тадбиркорлар унумли фойдаланмоқда, — дейди Ўктам Рашидов. — Мазкур савдолар орқали бино ва иншоотлар сотилишда ёки ижарага берилаяпти. Масалан, жорий йилнинг 9 ойда тўғридан-тўғри музокаралар йўли билан ўтказилган савдоларимизда 20 дан ортиқ бино ва иншоот ўз эгасини топди. Ана шундай савдоларда вилоят марказидаги «Термизсу» масъулияти чекланган жамиятининг икки қаватли маъмурий биносиди «Кафолот-Тер-

миз» МЧЖ, давлат тижорат «Халқбанки» Кумқўрғон филиалининг Шўрчи туманидаги ошқона биносини Шўрчи туман ҳўжалик хисобидидаги «Шўрчи-донинвест» шўъба корхонаси, «Сурхон-Курилиш-Термиз» масъулияти чекланган жамиятига тегишли бинони «Дори-дармон» акциядорлик компанияси «Сурхон дори-дармон» шўъба корхонаси келишилган нархларда сотиб олди.

Кези келганда фойдаланилмай турган, банкрот бўлган ёки фаолият юритмаётган бино ва иншоотларга сармоядор ва тадбиркорлик субъектларининг очик, ошқора савдолар орқали эгалик қилиши натижасида кўплаб янги иш ўринлари ҳам яратилмоқда. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш нукталари йўлга қўйилапти. Вилоятда шу йил савдога чиқарилган бино, иншоот ва бошқа кўчмас мулклар ана шу мақсадда таъмирланиб, замонавий қисфа касб этапти.

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш

йўли билан ташкил этилаётган савдолар орқали бино ва иншоотларнинг ижарага берилётгани эса тадбиркорлар, сармоядорларнинг мазкур объектлардан самарали фойдаланишини таъминлаб, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилапти. Вилоятда йил давомида ана шу йўл билан ўндан ортиқ бино миқозларга ижарага берилиб, 50 га яқин иш ўрни ташкил этилди. Жорий йилда Термиз шаҳридаги уч қаватли марказий универсал дўконининг иккинчи қаватини ижарага олиш учун «Термиз Баҳорий мебель» хусусий корхонаси шартнома тузди. Фойдаланилмай турган бинода замонавий мебель дўкони ташкил этилди.

Хуллас, аукцион, оферта ва тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан тадбиркор ва сармоядорлар эгаллик қилаётган бино, иншоотлар аҳоли фаровонлиги, юрт ободлиги учун хизмат қилиб, иқтисодиётимизни юксалтириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

«XXI ASR» — БУХОРО

«Худудий партия ташкилотларида»

Бухорода ҳам иқтисодий-иқтисодий таянч нуқтасига айланган ўрта қатлам вакилларининг ялпи худудий маҳсулотдаги улуши мунтазам ошиб борапти. Агар ўн йил аввал бу рақам 35 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда 65 фоиздан ошди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришидаги улуши 19,9 фоизга, қишлоқ хўжалигида 98,3, қурилишда 64, чакана савдо айланмасида эса 44,5 фоизга етгани ҳам вилоятда Юртбошимиз фармонлари, амалдаги қонунлар ҳаётимизда ўз аксини топаётганини кўрсатади. Мутахассислар иш билан банд аҳолининг 77 фоизи айни шу соҳада фаолият олиб бораётганини ҳам таъкидламоқдалар.



Масъулият мезони

Агар 2002 йили Бухоро вилоятида 15 мингдан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият юритган бўлса, бугунги кунда улар сони 27 603 тага етди

Бухородек катта салоҳиятга эга худуднинг иқтисодий жиҳатдан барқарор ўсишига О'зЛиДеР вилоят, туман ва шаҳар кенгашилари, турли даражадаги депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам муносиб ҳисса қўшаётганлар.

Жумладан, 2012 йилнинг ўтган даврида партия фаоллари томонидан электрот вакилларини қўллаб-қувватлаш, уларга амалдаги қонун ҳужжатлари моҳиятини тушунтиришга қаратилган 150 дан ортиқ тадбир ўтказилди. Айниқса, вилоят ишбилармонларига «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида қабул қилинган янги қонунлар кенг имкониятлар яратётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Айни пайтда халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам асосий эътиборни маҳаллий ижро ҳокимияти вакилларининг тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал этиш юзасидан олиб бораётган ишлари тўғрисидаги ҳисоботларни эшитишга қаратмоқдалар.

Вилоят кенгашидаги партия депутатлик гуруҳида 30 нафар О'зЛиДеР аъзоси бўлиб, улар ташаббуси билан вилоят кенгашининг март ойида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримовнинг 2012 йил 19 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ҳамда «Бухоро вилоятининг 2012 йилга мўлжалланган худудий

инвестиция дастури» бажарилиши бўйича ижроия ҳокимият вакиллари томонидан олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ташкил этишга оид «Ҳаракат дастури» муҳокама қилинди. 14 июль кунини эса депутатларимиз Бухоро туманида инвестиция дастурининг бажарилишини атрофлича ўрганиб чиқдилар.

Депутатлик гуруҳининг 27 август кунини ўтказилган навбатдаги йиғилишида эса Президентимизнинг 2006 йил 3 августдаги «Пластик картонкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан вилоят ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари

Хусниддин Ғойиров, шунингдек, Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Бердиев, солиқ бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Нормирзаевларнинг ҳисоботлари эшитилди.

— Бухоро вилоятида фаолият олиб бораётган 27693 та тадбиркорлик субъектининг 2044 таси саноат, 4476 таси савдо ва умумий овқатланиш, 1614 таси қурилиш ва

транспорт соҳасида юритмоқда, — дейди О'зЛиДеР Бухоро вилоят кенгаши Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлими муддирини Сувоҳ Жўраев. — Бу йўналишда қўлга киритилган муваффақиятлар билан бирга фаолиятимизда ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар борлигини ҳам тан оlishимиз керак. Мисол учун, айрим шаҳар ва ту-

манларда ўз фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектлари сони қисқарётган бўлса-да, фаолларимиз, айниқса, маҳаллий кенгашлардаги депутатларимизнинг соҳага, бошқача айтганда, электрот фаолиятига эътибори кучайтирилиши керак. Бу эса жойларда ана шундай натижаларга олиб келган сабаблар жиддий ўрганилиши лозимлигини ҳам аниқлатади.

Қуйи бўғин — ҳал қилувчи куч

Айни пайтда вилоятда 9200 нафарга яқин партия аъзосини бирлаштириб турган 420 та БПТ фаолият кўрсатаёпти



Жорий йилда ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишларида БПТ раисларидан 358 нафарнинг ўз вазифасига қайта сайлангани, қуйи бўғинлар етакчиларидан 136 нафари аёллардан иборат экани

эътиборга сазовор. Шунингдек, 63 та БПТга маҳаллий кенгаш депутатлари раҳбарлик қилаётгани қуйи бўғинлар билан депутатлар ўртасидаги ҳамкорликни муостаҳкамлашда яхши самара бераёпти.

Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларидан 197 нафарининг О'зЛиДеР аъзоси экани ҳам маҳаллаларда ташкилий-партиявий, таърибот-ташвиқот ишларини кучайтириш имконини бермоқда. Янги сай-

ланган БПТ раисларининг 55 нафари 34 ёшгача бўлган ёшлардан иборатлиги эса белгиланган устувор вазифалар ижроси ишончли қўлларда эканидан далolat бермоқда.

Шу ўринда кейинги вақтларда йирик саноат корхоналари, кичик бизнес субъектлари, банклар, ўз-ўзини бошқариш органлари, корхона ва ташкилотларда 15 та янги БПТ ташкил этилганини таъкидлаш жоиз.

Бундан ташқари жорий йилнинг ўтган даврида уюштирилган турли йўналишдаги тадбирлар асосан БПТлар ташаббуси билан ташкил этилганини алоҳида айтиш мумкин.

БПТ раислари ва фаоллари иштирокида ўтказилаётган долзарб мавзулардаги тадбирлар, юзма-юз мулоқотлар, О'зЛиДеР вилоят кенгаши ҳузурлидаги «Сийёсий таълим маркази»даги ўқув

масъулоти қуйи бўғин етакчиларининг билими ва сийёсий дунёқаролини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаёпти, албатта. Жондор туманида «О'зЛиДеР бошланғич ташкилотларининг мамлакатимизни иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида туганган ўрни ва вазифалари», Шофиркон, Ромитан, Пешку, Қоровулбозор ва Ғиждувон туманларида эса «Мустақам оила йили»да О'зЛиДеРнинг устувор вазифалари ва унда БПТларнинг роли» мавзуларида ўтказилган давра суҳбатлари шулар жумласидандир.

Бир сўз билан айтганда, партиянинг таянч нуқтаси бўлган БПТлар фаолиятини тубдан яхшилаш вилоят кенгашининг энг муҳим вазифаларидан бирига айланган. Зеро, қуйи бўғинлар иши замон талаблари даражасида йўлга қўйилгандагина кутилган натижаларга эришиш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам вилоят кенгаши ўз фаолиятида асосий эътиборни туман ва шаҳар партия ташкилотлари иши самарадорлигини оширишга қаратмоқда.

Кези келганда бу йил 402 нафар бошланғич ташкилот етакчиси ва 200 нафардан ортиқ О'зЛиДеР аъзолари иштирокида турли ўқувлар ташкил этилганини таъкидлаш лозим.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлаб О'зЛиДеР «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳамда партия дастурида назарда тутилган устувор вазифалар доирасида «Ёш олимлар ва тадқиқотчилар танлови» ўтказишини маълум қилади.

Танлов ёшларнинг ижтимоий-сийёсий фаолиятини ошириш, улар билан ҳамкорликда ўрта ва узоқ муддатли истиқболда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий базасини чуқурлаштиришга оид дастурий мақсад ва вазифаларни муҳокама қилиш, партия кадрлар захирасига иқтидорли ёшларни жалб этиш, уларнинг касбий, ижодий ва хизмат соҳаларида ўсишлари учун имконият яратиш мақсадида ташкил этилмоқда.

Танловда 35 ёшгача бўлган, турли соҳаларда илмий изланишлар олиб бораётган мутахассислар ва тадқиқотчи олимлар иштирок этишлари мумкин.

Танлов иштирокчиларига қуйидаги долзарб йўналишлар бўйича ёзма илмий ишлари билан катнашиш тақлиф этилади:

1. Давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳасида.
2. Сул-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида.
3. Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий-иқтисодий либераллаштириш соҳасида.

Танлов ғолибларига барча йўналишлар бўйича энг яхши ишлар учун қуйидаги мукофотлар ажратилган:

- 1-ўрин учун — ноутбук;
- 2-ўрин учун — компьютер;
- 3-ўрин учун — нетбук.

Бундан ташқари О'зЛиДеР томонидан рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам таъсис этилган.

Танлов ҳақидаги тўлиқ маълумотни WWW.uzlibep.uz сайтидан олишингиз ва қўшимча ахборот учун (8371) 255-48-17 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

БУХОРОЛИКЛАРГА ЯНГИ АВТОБУСЛАР ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Бухоро шаҳрида жамоат транспортида йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор

берилаёпти. Бу муҳим масала халқ депутатлари Бухоро шаҳар кенгашининг ҳам диққат марказида бўлиб, 2010 йилнинг январь ойидан бошлаб, бу борада салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Хусусан, «25-33 автожамланмаси» Бухоро давлат унитар корхонаси бошлиғи Комил Аҳадовнинг айтишича, бундан 2 йил олдин лизинг компаниялари орқали Самарқанддаги «ISUZU» автомобиль заводида ишлаб чиқарилган кичик автобуслардан 50 таси сотиб олинди, улардан самарали фойдаланила бошланди.

Айни пайтда қадимий ва ҳамisha навқирон Бухоро шаҳрига яна 100 та янги автобус келтириш режалаштирилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча худудларида 2013 йил учун XXI ASR

ижтимоий-сийёсий газетасига

ОБУНА бошланди.

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80



Саҳифани Асхор ИСТАМОВ ва Шухрат РАҲИМОВ тайёрлади.

Тараққиёт ва фаровонликка йўналтирилаётган миллиардлар



Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада

М.АБДУРАҲМОНОВ,
«XXI ASR»

Маълумки, «Агробанк» очик акциядорлик-тижорат банки иқтисодий тизимнинг ўзига хос тизимига хизмат қилаётган молиявий муассаса сифатида бошқа банклар фаолиятдан кескин фарқ қилади.

Бугунга келиб 295,9 млрд. сўмлик умумий капиталга эга бўлган мазкур тузилма истиқлол туфайли барпо этилган, қишлоққа sanoatни олиб кириб, аҳолини иш билан таъминлашда фаол иштирок этаётган қишлоқ мулкдорларининг энг ишончли молиявий кўмакчисига айланди, десак муболага бўлмайди.

2012 йилнинг 9 ойида банк томонидан аграр секторга 1 триллион сўмдан ортиқ кредит маблағи йўналтирилгани ҳам юқоридаги фикрнинг тасдиқлаши мумкин.

Айни пайтда бутун дунёда кузатилаётганидек, Ўзбекистонда ҳам бандлик, айниқса, ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлаш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки ҳар йили минг-минглаб фарзандларимиз олий таълим муассасалари, касб-хунар коллежларини битириб, мустақил ҳаётга қадам қўймоқдалар. Бу жараёнда банк-молия тизими инвестицион фаолиятни ошираётгани, иқтисодийнинг реал секторини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали жойларда, айниқса, қишлоқ ҳудудларида ишлаб чиқариш жараёнини молиялаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратаётгани реал натижалар бераётгани.

Банк маблағлари ҳисобига хўжалик юритувчи субъектларнинг аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ҳамда қатор лойиҳаларни молиялаштириш орқали 30 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида ажратилган инвестицион кредитлар миқдори 243,1 млрд. сўмни ташкил этиб, 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 81,4 млрд. сўмга ошган.

Кредитларнинг 22 фоизи sanoatга, 33 фоизи қишлоқ хўжалигига, 22 фоизи моддий техника таъминоти, 23 фоизи эса курилиш ва иқтисодийнинг бошқа соҳаларига йўналтирилди.

«Агробанк» томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 206 та ночор, паст рентабелли корхоналар молиявий қўллаб-қувватлангани натижасида 3197 та янги иш ўрни яратилди, ана шу корхоналарда жами 93,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун замин яратилди.

Бир қарашда оддийгина рақамлардан иборат ушбу кўрсаткичлар замирида асли-

— ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ЯРАТИБ БЕРИЛГАН ИМТИЁЗ ҲАМДА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР МУҲИМ ЎРИН ТУТМОҚДА, — ДЕЙДИ «SAVIM TEX» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ РАҲБАРИ МУРАТ САИДОВ. — ТРИКОТАЖ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ МАҚСАДИДА БАНККА МУРОЖААТ ҚИЛГАН ЭДИК. БАНКНИНГ ҚЎҚОН ФИЛИАЛИДАН 180 МИЛЛИОН СЎМ КРЕДИТ АЖРАТИЛГАН, ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИБ, ҚЎШИМЧА ИШ ҲАМДА ЯРАТДИК. КЕЛГУСИДА ЭСА МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИНИ ЯНАДА КЎПАЙТИРМОҚЧИМИЗ.

— КАМ ҚУВВАТЛИ ВА НОЧОР КОРХОНАЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ЯНГИ ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ҲАМ ИЗЧИЛ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАЯПТИ, — ДЕЙДИ ЎРТА ЧИРЧИК ТУМАНИДАГИ «ХИЛОЛ МУБИН» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ РАҲБАРИ МИРҲИДОЙ ОЛИБ КЕЛИШ УЧУН «АГРОБАНК» БИЗГА 1 МИЛЛИАРД 88 МИЛЛИОН СЎМ КРЕДИТ АЖРАТГАН, ЖАМИЯТДА 25 ТА ЯНГИ ИШ ҲАМДА ЯРАТДИК, ЙИЛГА 600 ТОННА ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИМКОНИГА ЭГА БЎЛДИК.

да минг-минглаб оилалар рўзгорига барака киргани, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар юртошларимиз фаровонлигига хизмат қила бошлаганига эътибор қаратсак, «Агробанк»нинг бундай масъулиятли жараёндаги ролини теранроқ англаш мумкин бўлади.

Шу ўринда «Агробанк» кўмаги билан 11 та корхона фаолиятини изга тушиб, уларда 8 минг тоннага яқин озиқ-овқат, 905 тонна тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришди. Энг асосийси эса фаолият тикланган корхоналарда 600 дан зиёд юртошларимиз доимий иш билан таъминландилар.

Мана, бир неча йилдирки, Ўзбекистоннинг қатор банкларига нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан барқарор рейтинг кўрсаткичлари берилганга гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу ҳатто биз учун оддий ҳолга ҳам айланиб қолди. Аммо бундай эътироф ўз-ўзидан пайдо бўлмасталигини, бунинг учун дунё молия бозорини ишонч қозониш, ҳамкорлар талаби даражасида иш олиб бориш, энг муҳими эса бунда мамлакат миллий манфаатларини устун қўйган ҳолда ҳамкорликни йўлга қўйиш талаб этилади, албатта. Бунга, шубҳасиз, молия муассасасининг халқаро миқёсдаги мавқеи ҳам таъсир этади. Бошқача айтганда, банк хорижий молия институтлари ишончини қозонган бўлиши лозим. «Агробанк» ана шундай эътирофга сазовор бўлгани учун ҳам шу кунгача 40 га яқин халқаро молия институтлари билан муносабат алоқа ўрнатиб, уларнинг Ўзбекистондаги ишончли ҳамкорига айлана олди. Жумладан, ҳамкорлик натижасида банк фаолиятига Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорациясининг кредит линиялари жалб

этилди. Мутахассислар айни пайтда ана шу кредит линияси орқали ўзлаштирилган кредит маблағи 11 млн. АҚШ долларига етганини таъкидламоқдалар.

Юртбошимизнинг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ана шундай муҳим ҳужжатлардан бўлиб, у «Агробанк» зиммасига ҳам жуда катта масъули-

БАНК КЎМАГИ БИЛАН БЎЗ ТУМАНИДАГИ «МАМАСИДДИҚОВА ҲАМРОҲОН» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ҲАМ 210 МИЛЛИОН СЎМЛИК ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРДИ. БУНИНГ УЧУН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ 160 МИЛЛИОН СЎМ МАБЛАҒИ ВА 50 МИЛЛИОН СЎМЛИК БАНК КРЕДИТИ САРФЛАНДИ. НАТИЖАДА БУ ЕРДА ҚАДОҚЛАНГАН ОШ ТУЗИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ ВА 12 ТА ИШ ҲАМДА ЯРАТДИК.

ят юклади. Банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари талаби, улар томонидан тақдим этилган лойиҳалар изчил ўрганилиб, 2012 йилнинг 9 ойи давомида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва замонавий хизмат кўрсатишни мақсад қилган тадбиркорларга жами 297 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилди. Гарчи бу кўрсаткич 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 130 фоизга ошган бўлса-да, вилоятларда банк мутахассислари томонидан янгидан-янги лойиҳаларни ўрганиш ва молиялаштириш изчил давом эттирилаётганини таъкидлаш жоиз. Бу жараёнда, айниқса, аёллар ва ёш тадбиркорлар томонидан тайёрланган лойиҳаларга асосий эътибор қаратилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, «Агробанк»нинг 2012 йилдаги фаолияти таҳлиллари шу кунгача аёллар ва ёш тадбиркорларга 40 млрд. сўмдан ортиқ молиявий кўмак берилганини кўрсатмоқда. Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2012 йилнинг «Мустақкам оила йили» деб эълон қилиниши бутун жамият эътиборини барчамиз учун муқаддас бўлган оилалар фаровонлигини янада мустаҳкамлашга қаратди, — дейди «Агробанк» бошқаруви раиси ўринбосари Илём Аманов. — Шунинг учун «Мустақкам оила йили» давлат Дастури ижросини таъминлашда «Агробанк» жамоаси ҳам фаол иштирок этмоқда. Тўғри, ҳар қандай молиявий муассаса фаолиятида манфаатдорлик устуворлик қилади. Аммо биз бундай муҳим давлат дастури ижросида кўпроқ аёллар ва бизнес оламини эндигина кириб келаётган ёш ишбилармонлар лойиҳасини қўллаб-қувватлаш орқали қатнашишга ҳаракат қилаяпмиз...

«Агробанк» бошқаруви раиси ўринбосари, шунингдек, XXI асрда инновацион лойиҳалар, ички ва ташқи бозорда том маънода рақобатга кириша оладиган тақдирлар аксарият ҳолларда янги авлод вакилларида учраётганини таъкидлади.

Хўш, ана шундай ёндашувлар амалда «Агробанк» томонидан қай даражада қўллаб-қувватланаётган?

Банк мутахассисларининг фикрича, 2012 йилнинг 9 ойида тадбиркор аёллар лойиҳа-




БАНК ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ТУЗИЛМАЛАРИ ТАЛАБИ, УЛАР ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР ИЗЧИЛ ҲАМДА ЯРАТДИК, 2012 ЙИЛНИНГ 9 ОЙИ ДАВОМИДА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ МАҚСАД ҚИЛГАН ТАДБИРКОРЛАРГА ЖАМИ 297 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДА КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ. ГАРЧИ БУ КЎРСАТКИЧ 2011 ЙИЛНИНГ АЙНИ ДАВРИГА НИСБАТАН 130 ФОИЗГА ОШГАН БЎЛСА-ДА, ВИЛОЯТЛАРДА БАНК МУТАХАССИСЛАРИ ТОМОНИДАН ЯНГИДАН-ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАРНИ ҲАМДА МОЛИЯЛАШТИРИШ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТИРИЛАЁТГАНИНИ ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ. БУ ЖАРАЁНДА, АЙНИҚСА, АЁЛЛАР ВА ЁШ ТАДБИРКОРЛАР ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ЛОЙИҲАЛАРГА АСОСИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

эдик. Аммо бу жараёнда мамлакатимиздаги энг йирик банклардан бирининг бошқа соҳа ва тизимларни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлаш мумкин эмас.

Тўғри, банк жамоаси асосан аграр соҳанинг асосий молиявий таянчи сифатида фермерлар, деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаб, бу соҳага миллиардлаб маблағ йўналтирилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида қишлоқ мулкдорларининг замонавий техника, турли агрегатлар ва эҳтиёт қисмлар сотиб олишларига 37 млрд. сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Аммо таҳлилчилар бутун дунёда озиқ-овқат ҳавфсизлиги энг долзарб масалалардан бирига айланган, қўллаб-қувватлаш талаб ортиб бораётган бир широнда «Агробанк» учун аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ ҳудудларида чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик сингари соҳаларни қўллаб-қувватлаш бирламчи вазифага айланишини, хусусан, банк томонидан 2012 йилнинг 9 ойида ушбу соҳага 106 млрд. сўмга яқин маблағ йўналтирилганини алоҳида таъкидламоқдалар.

Ҳа, чиндан ҳам «Мижоз банк учун эмас, банк миқдор учун» шioriга қатъий амал қилаётган мамлакатимиз банк тизими бутун ўз имкониятларини Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар қаторинан муносиб жой олиши йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар муваффақиятига қаратмоқда. Бу жараёнда эса 200 мингдан зиёд юридик шахс мақомига эга бўлган миқозлар ҳамда 2,5 миллионга яқин жисмоний шахсларга хизмат қилаётган ва 2012 йили ўз акциядорлари ҳамда миқозлар ишончини қозонган ҳолда яқунлашга интилаётган «Агробанк»нинг ҳам муносиб ўрни бор, десак муболага бўлмайди.



Ҳамкорлик мустақкамланмоқда

Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратилганлиги янгидан-янги ютуқларга замин бўлмоқда



Молия-кредит муассасалари эса улар билан ҳамкорликда иш юритиб, хизмат сифати ва маданиятини оширишга ҳаракат қилаётди. «Туронбанк» акциядорлик-тижорат банки ҳам бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг ишончли ҳамкорига айланган, десак хато бўлмайди. Ушбу банк кўмагида хусусий бизнесни ри-

бурчаги» ташкил этилган бўлиб, тегишли бизнес режалари шу ернинг ўзида атрофлича ўрганилади ва муносиб баҳоланади. Иссиқхона ҳўжалиги «ёки» паррандачиликни олайлик. Қўллаб-қувватлаш фермерлар ушбу соҳаларда иш юритиб, юқори даромад олишга эришаётгани айни ҳақиқатдир. Шу туфайли «Туронбанк» томонидан мазкур соҳаларга тобора кўпроқ имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Яна бир ҳаётий мисол. Тошкент вилоятидаги «Бўка турон инвест» корхонаси за-

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИ МОБАЙНИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА 147,2 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДА МИКРОМОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИЛИБ, БЕЛГИЛАНГАН ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧИ 103 ФОИЗГА БАЖАРИЛДИ.

вожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Наҳақда жойларда илгор технологик ускуналар билан жиҳозланган замонавий корхоналар, янги иш ўринлари тобора кўпайиб бора-япти.

«Туронбанк»нинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Унга ўз мақсади ва вазифаларини рўй-роқда чикариш, белгиланган ижтимоий мақсадларга эришиш эҳтимоли юқори бўлган банк, деган ижтимоий рейтинг даражаси берилганлиги фикримиз далилдир.

Айтиш керакки, жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 147,2 млрд. сўм миқдорда микромолиявий хизматлар кўрсатилиб, белгиланган прогноз кўрсаткичи 103 фоизга бажарилди. Кўрсатилган молиявий хизматлар ҳисобига худудларда мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

«Мустақкам оила йили»да хотин-қизларни иш билан таъминлаш, ёшлар ва коллежларнинг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, улар учун қисқа ва узоқ муддатли ўқув курсларини ташкил қилиш ҳам диққат марказидадир. Банкнинг ҳар бир филиалида «Тадбиркорлар

монанлий технология асосида ойна ва бошқа курилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни режалаштирган эди. «Туронбанк» томонидан ажратилган кредит бонус, айни пайтда корхона оёққа туриб, бизнес режасидаги мақсадларига тўла эришмоқда. Энг муҳими, 50 та янги иш ўрни яратилди ва кўплаб йигит-қизлар муқим даромад манбаига эга бўлишди.

Айни кунда республикамизнинг чекка-чекка ҳудудларида хотин-қизлар, маҳалла фаоллари, ташаббускор ёшлар иштирокида янги бизнес режалар устида иш олиб борилмоқда. Ўзаро ҳамкорлик, шубҳасиз, ҳар икки томон учун манфаатли бўлмоқда. Йилнинг ўтган даври мобайнида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 8,9 млрд. сўм миқдорда микросармоялар йўналтирилди. Натижанда 200 дан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, «Туронбанк» ўз миқозлари бўлган пластик карточкалар соҳибларига кўрсатилган хизмат маданиятини тобора тақомиллаштирмоқда. Молия муассасасида улар учун барча қулайлик ва шарт-шароит яратилган. Шунингдек, дунёнинг илгор ривожланган тижорат банклари билан ҳамкорликда янги чакана банк хизматлари ҳам ташкил этилмоқда. **Абулфайз САЙИДАСКАРОВ** тайёрлади.

Ҳайрат ва ҳавас лаҳзалари

Яқинда дунё халқлари Ўзбекистонда ўтказилган, 180 та тadbирни ўз ичига олган, 50 та мамлакатдан ташриф буюрган 700 нафардан ортиқ хорижлик меҳмон, жами 100 минг нафардан зиёд санъат ихлосмандлари иштирок этган, миқёси жиҳатидан улкан маданий-маърифий тadbирга гувоҳ бўлдилар

Шухрат ХУЖАЕВ,
«XXI ASR»

Тан олиш лозим: 2004 йилда ташкил этилган «Ўзбекистон санъати ва маданияти форуми» жамғармаси ўтган давр мобайнида халқимиз бой маданий ва маънавий меросини ўрганиш, миллий қадриятларимизни тиклаш, шунингдек, ёшларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида қўллаб-қўлланган амалга оширди. Эътиборлиси, мазкур тadbирларнинг қамрови йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.


Яқинда жамғарма ташаббуси билан ўтказилган «Art Week Style.uz-2012» санъат ҳафталиги ҳам ана шу фикрга мисол бўла олади. Зеро, олти йил аввал ўтказилган I «Art Week Style.uz» ҳафталиги дастуридан атиги 4 та тadbир, яъни I та кўргазма ва 3 та намойиш ўрин олган бўлса, санъатта меҳри баланд инсонларни еттинчи мартаба чорлаган «Art Week Style.uz-2012» ҳафталиги давомида турли форматдаги 180 дан ортиқ тadbир ўтказилди.

Дунё маданиятларини бирлаштириш, Ўзбекистоннинг нафақат тарихий масканларга бой юрт, балки замон билан ҳамнафас яшаётган мамлакат сифатида жаҳонга танитиш мақсадида ташкил этилган ҳафталик лойиҳаларини «Олтин гепард» II халқаро кинофоруми бошлаб берди. Таъкидлаш жоиз: ўтган йили мазкур кинофорум дебюти ўтанида унинг келажакда кўпчилик унчалик ишонмақрамаганди ҳам. Аммо бу йилги кинофорум давомида мухлислар ва мутахассислар эътиборига ҳавола этилган 33 та асар, яъни 12 та тўлиқ метражли, 10 та анимацион ҳамда 11 та қисқа метражли фильм Европа, Осиё, Шимолий ва Жанубий Америка кинематографлари томонидан тақдим этилган 473 та иш орасидан танлаб олинган, юқоридаги шубҳалар асоссиз эканини кўрсатди. Аҳамиятлиси, навбатдаги кўрикнинг ижодий ишларига Британия кино ва телевидениеси директори Ник Пауэлл, Халқаро кино матбуоти федерацияси президенти Жан Руа, телетомошабинларга «Қизча ва Айиқ» мультпликацион сериали режиссёри сифатида танилган россиялик мутахассис Олег Ужинов, Ўзбекистонлик киноактёр Рустам Саъдуллаев сингари тажрибали ҳайъат аъзолари баҳо бердилар.

«Туркистон» саройида ўтказилган тақдирлаш маросимида хорватиялик режиссёр Велико Поповичнинг «Муҳаббат тарихи» фильми — «Энг яхши анимацион фильм», эронлик режиссёр Сайфулла Самадиёнинг «Беш қисқа ҳодиса» асари — «Энг яхши қисқа метражли фильм» йўналишларида ғолиб деб топилган бўлса, актёр Ованес Торосян режиссёр Константин Божановнинг «АВЕ» (Болгария) фильмидаги роли учун «Энг яхши эркак роли», актёр Урсла Грабовская режиссёр Феликс Фалкнинг «Иоанна» (Польша) бадий фильмидаги роли учун «Энг яхши аёл роли», режиссёр Роландо Колла «Езги ўйинлар» (Швейцария — Италия) фильми учун «Энг яхши режиссура» номинацияларида тенгсиз, деб топилдилар. «Иоанна» картинасининг ўзи эса «Энг яхши тўлиқ метражли фильм» номинацияси ғолиблигини қўлга киритди.

— Бир неча йил аввал Ўзбекистонга келганимда «Fund Forum» томонидан маданият ва фаннинг турли йўналишлари бўйича амалга оширилаётган лойиҳаларни кўриб, ҳайратда қолган эдим, — дейди Тошкентдаги Миср маданият маркази директори Холид Умар Абдуллоҳ. — «Art Week Style.uz-2012» ҳафталиги ҳақиқатан ҳам жамғарма фаолиятининг ёрқин ифодаси бўлиб, десам алашмайман. «Олтин гепард» конферумининг очилиш маросимида иштирок этганимда, очиги, меҳмонларнинг кўплиги, дастурнинг юқори даражада ташкиллаштирилгани мени ҳайратлантирди.

Кинофорум доирасида, шунингдек, таниқли мутахассислар иштирокида халқаро конференциялар, ёш ижодкорлар учун мастер-класслар ҳамда брифинг ва матбуот анжуманлари ҳам ўтказилди. Хусусан, 8 октябрь кунини таниқли актёр ва шарқ яқкакурлари устаси Марк Дакскас Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти талабалари учун маҳорат дарсларини ўтади. Очиги мулоқот шаклида ташкил этилган ушбу учрашув давомида Голливуд киноюлдузи бўлажак санъаткорларга актёрнинг суратлар орқали томоша қилиш имконига эга бўлдилар. Актёр ва режиссёрлар эса бу жараён орқали ўз ишининг ички, яъни «қоралама» томонини очиб беришга ҳаракат



Суратлар www.walera.uz сайтидан олинди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОЙ ВА НОЁБ МАДАНИЯТИ, САНЪАТИ ШУНЧАЛИК ҲАЙРАТЛАНАРЛИКИ, БУНИ НАФАҚАТ СУРАТЛАРДА, БАЛКИ САНЪАТНИНГ БАРЧА ТУРЛАРИДА КўРСАТИШ, ТАРҒИБ ЭТИШ КЕРАК.

тўлган бўлса-да, ҳали ҳам яхши спорт формасида экани, ўз навбатида ҳозирча фильмлардаги триокларни ўзи бажараётгани талабаларда катта таассурот қолдирганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Санъат ҳафталигининг иккинчи йирик лойиҳаси — «Theatre.Uz-2012» фестивали дастуридан эса юртимиз, шунингдек, хорижий театрлар томонидан тақдим этилаётган ранг-баранг саҳна кўринишлари, маҳорат дарслари ҳамда концерт намойишлари ўрин олди. Шу ўринда учинчи бора ўтказилаётган фестиваль давомида асосий эътибор саҳна ортидаги фаолиятга қаратилди, деб айтиш мумкин. Зеро, бу гал томошабинлар фақат спектакль кўриш эмас, «жонли» иш жараёнини деворий суратлар орқали томоша қилиш имконига эга бўлдилар. Актёр ва режиссёрлар эса бу жараён орқали ўз ишининг ички, яъни «қоралама» томонини очиб беришга ҳаракат

қилдилар. Ўз навбатида театр жамоаси томошабин талаблари билан танишиб, улар саҳнада кўпроқ кимни ёки нимани кўришни исташларини биллиб олдилар.

— Театр шундай санъатки, унда бир зумга бўлса-да, тўхтаб қолиш, вақт ва замондан орда қолиш мумкин эмас. У аини дамда кечираётган ҳаётимиз билан ёнма-ён бўлиши керак, — дейди «Theatre.uz» фестивали ташаббускори, Ўзбекистон Ёшлар театри бадий раҳбари Наби Абдураҳмонов. — «Theatre.uz» фестивали доирасида биринчи йили фақат пойтахт ва хорижий театрларнинг спектакллари намойиши, кичик концерт дастурлари билан чекланган бўлса, иккинчи йили анжуманга вилоят театрларини ҳам жалб этдик. Мана, учинчи йилга келиб, Ўзбекистон, Буюк Британия, Тожикистон, Қирғизистон, Исроил, Германия мамлакатлари театр ижодкорлари ҳамкор-

ликда бир неча лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этиш имконига эга бўлдилар.

Шу тариқа «ижодий лаборатория»га айланган «Theatre.uz-2012» фестивали «Миллий либослар фестивали» билан бир вақтда яқунланди. Театр ва либос дизайни соҳаларини бирлаштирган, ўзига хос фестиваллар тандеми кўринишидаги ёпилиш маросими исроиллик таниқли дуэт — Литаль Габай ҳамда Марк Какон ижросидаги жонли ва ёқимли хонишлар остида ўтди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ташкил этилган визуал санъат йўналишидаги энг йирик лойиҳа — «Тошкент халқаро фотобиеннале-2012»га санъат ҳафталиги аини кизгин паллага кирган пайтда старт берилди. Олтинчи мартаба ўтказилган тadbирда Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Исроил, Эрон, Хиндистон, Россия, Украина, Франция, Испания, Италия, Германия, Миср, Аргентина, Голландия, Хитой, Япония, АҚШ каби 35 давлатидан келган 200 дан ортиқ муаллиф қатнашди. Уларнинг 1500 дан ортиқ асарлари учун ташкил этилган 28 та кўргазмага 10 минг нафардан зиёд фотосанъат ихлосманди ташриф буюрди.

— Ўзбекистоннинг бой ва ноёб маданияти, санъати шунчалик ҳайратланарлики, бунинг нафақат суратларда, балки санъатнинг барча турларида кўрсатиш, тарғиб этиш керак, — дейди таниқли режиссёр Аликхан Алиев. — Санъат ҳафталиги давомида юртингизнинг бир неча музейларида сақланаётган қадимий зарли гарлик буюмлари ва миллий либосларидан фойдаландик. Лойиҳамиз орқали авлодлар алмашса-да, анъана ва миллий ўзига хослик сақланиб қолишини кўрсатиш имконига эришдик. Кўргазманинг аҳамияти томони шундаки, унда намойиш этилган суратлар ёнидан ўтиб борар экансиз, улардаги чехраларнинг ўзгариб боришини кузатишингиз мумкин. Ёш қаҳрамонлар кўз ўнгингизда катта авлод вакилига айланади ёки бунинг акси, кекса аёллари аста-секин ёшлик лафоти қуршаб олади. Лойиҳага фақат аёлларни жалб қилганимизнинг сабаби ҳам шунда.

Шу ўринда россиялик ёш сураткаш томонидан тақдим этилган ажабтовур лойиҳада 20 нафар аёл иштирок этгани, улар орасидан таниқли ўзбек актрисалари — Клара Жалилова, Тўти Юсупова, Яйра Абдуллаева, Рихси Иброҳимова, Азиза Бегматова ҳамда ёш авлод вакиллари бўлган Дилноза Кубаева, Райхон Уласенова, шунингдек, «Келажак овози» ЁТМ фаоллари жой олганини таъкидлаш жоиз.

Бундан ташқари, фотобиеннале доирасида ҳаваскорлар учун «Magnum» фотоагентлигининг машҳур фотографи Георгий Пинхасов, «Фэшн-фотография» йўналиши устаси Паоло Роверси (Франция), фоторассом Ирина Михайлова (Россия), шунингдек, таниқли сураткашлар — Наюки Огино (Япония) ва Айттор Лара (Испания) томонидан маҳорат дарслари ўтказилган бўлса, «Тошкент фото уйи»да мутахассислар учун «Фотосанъат: ўтмиш, бугун, келажак» мавзусида анжуман ташкил этилди.

Ҳафталик давомида, шунингдек, Ўзбекистон, Италия, АҚШ, Япония, Испания ва Буюк Британия дизайнерларининг 12 та мода намойиши бўлиб ўтгани, томошабинларда, айниқса, «Dolce & Gabbana», «Versace», «Guli» брендлари

томонидан тақдим этилган либослар тўплами алоҳида таассурот қолдирганини айтиб ўтиш жоиз.

— Ўзбекистонга биринчи бор келишим. «Art Week Style.uz» нисбатан янги лойиҳа бўлгани учун, тўғриси, унинг бунчалар яхши ташкил этилиши ва кенг қамровли ўтишини кутмаган эдим, — дейди хиндистонлик кинорежиссёр Ашиш Шукла. — Менга бу юрт, унинг аҳолиси, урф-одати жуда ёқди. Кейинги йил мазкур форумда қатнашиш ёки қатнашмаслигимдан қатъий назар, ўз олдимга ҳафталикнинг мода ва санъат намойишларини яна томоша қилиш учун Тошкентга келишни мақсад қилиб қўйдим.

Маълумки, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилаётган барча тadbирларда хайрия акцияларини ташкил этиш анъанага айланган. «Art Week Style.uz-2012» ҳафталигида ҳам бундан олдига амал қилинди. Жумладан, «Ҳаёт учун» ва «MeGos» уюшмалари томонидан ўтказилган хайрия аукционларидан тушган маблағ кўкрак беши саратонига учраган аёлларни қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатимизда тарихий-маданий меросни ўрганиш йўлида олиб борилаётган турли тadbирлар ва археологик қазилма ишларига сарфланадиган бўлди.

Грециялик афсонавий хонанда Демис Руссос иштирокчида «Истиклол» санъат саройида ташкил этилган концерт «Art Week Style.uz-2012» санъат ҳафталигига муносиб якун ясади, десак муболаға бўлмайди.

Биобарин, шу кунги кўшиқчи ўзининг машҳур таронлари билан ҳақиқий муסיқанинг ёши ҳам, даври ҳам бўлмадлиги, ҳеч қачон эскирмаслигини ана бир қарра исботлади, дейиш мумкин. Ташкилотчилардан бепул чипталарни қўлга киритган ёш истеъодлар билан бир қаторда ёшлиги Демис Руссос кўшиқлари билан ўтган катта ёшдагилар ҳам концертдан маънавий озукқа олдилар.

Бутун концерт давомида мухлислар хонандани олқишлаган бўлса, бунга жавобан кўшиқчи ўзбек тилида «Раҳмат!» — деб миннатдорлик билдирди. Қайд этиш лозим, бу сўз «Art Week Style.uz» ҳафталигининг хорижий меҳмонлари томондан энг кўп ўрганилган ва бот-бот такрорлаган каломларидан бири бўлди.



Ijtimoiy-siyosiy gazeta

2013 йил учун ОБУНА БОШЛАНДИ!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80,
E-mail: axborot@xlasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.



Энди биринчи ўрин учун курашамиз!

Қатар терма жамоасини 1:0 ҳисобида мағлуб этган футболчиларимиз Бразилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритиш имкониятини яхшилаб олдилар

Шухрат ХУҲАЕВ,
«XXI ASR»

Доҳадаги «Ал Садд» стадионида бўлиб ўтган қизиқарли беллашувнинг 13-дақиқасида киритилган тезкор голга терма жамоамиз ярим ҳимоячиси — Санжар Турсунов муаллифлик қилди.

Учрашувнинг қолган қисми давомида ҳар иккала жамоа вакиллари ҳам қатор имкониятларга эга бўлишди. Бироқ ўйин охиригача дарвозаларга бошқа тўп киритилмади. Қайд этиш жоиз: мурасиш кечган беллашувда Ўзбекистон миллий терма жамоаси дарвозабони — Игнатий Нестеров бир неча вазиятда маҳоратини намойиш этган ҳолда, терма жамоамиз дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қолди.

Ушбу галабадан сўнг Ўзбекистон миллий терма жамоаси сўнгги саралаш босқичининг «А» гуруҳида 5-ўриндан 2-ўринга кўтарилиб олган. Бироқ, Қатар-Ўзбекистон учрашувидан кейин 2 соат ўтиб бошланган гуруҳнинг иккинчи ўйини — Эрон ва Жанубий Корея ўртасидаги баҳса майдон эгалари 1:0 ҳисобида галаба қозонишди. Шу сабабли Жанубий Корея ва Эроннинг очколари сони тенглашиб, гуруҳда ўшпешқадамлик юзага келган бўлса, Ўзбекистон миллий терма жамоаси 5 очко билан 3-ўринга жойлашди.

Тўғри, кўпчилик муҳлислар Эронда бўлиб ўтган ўйинда Жанубий Корея терма жамоасининг галаба қозонишини, шу тариқа ҳамюртларимизнинг 2-ўринда қолишини кутган эди. Аммо иккинчи томондан ана шу натижадан сўнг корейлар рақобатчилари билан орадаги фарқни қисқартириб қўйганларини эсдан чиқармаслик керак. Зеро, Миржалол Қосимов шогирдлари энди 1-ўрин учун ҳам курашиш имко-


ни туғилди.

— Биз учун муҳим бўлган 3 очкони қўлга киритганимиздан мамнунман, албатта. Энди саралаш босқичининг охиригача шу йўсинда ишлашга ҳаракат қиламиз, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи М.Қосимов. — Шу кунги об-ҳаво ҳам ўйинимизга таъсир ўтказганини таъкидлаш лозим. Айнан шунинг учун ҳам учрашув давомида унчалик кўп голли вазиятлар содир этилмади. Ишончим комилки, муваффақиятли одимларимиз давомли бўлади.

Эслаб ўтиш лозим: Ўзбекистон миллий терма жамоаси саралаш босқичидаги навбатдаги учрашувни 14 ноябрь кунги ўтказди. Шу кунги вакилларимиз Тохондаги «Озод» стадионида Эрон миллий терма жамоаси меҳмони бўлишди. Умид қиламизки, Қосимов шогирдлари мазкур ўйинда ижобий натижага эришиб, 3 июнь кунги Тошкентда қайд этилган аянчи мағлубият (шу кунги бутун ўйин давомида ҳужум қилган ҳамюртларимиз ўйиннинг ҳакам томонидан қўшиб берилган вақтида ўз дарвозаларидан тўп олиб чиқишганда) аламини олишнинг уддасидан чиқадилар.

Дарвоқе, термаимиз аъзоларининг таъкидлашча, Қатар-Ўзбекистон учрашувидан гол билан якунланган комбинация (Санжар ҳимоячи Акмал Шораҳмедов томонидан узатилган тўпни тўхтамасдан рақиб дарвозасига тўғрилаб қўйган ҳолда ҳисобни очганини айтиб ўтиш жоиз) аввалдан режалаштирилган тактика маҳсули экан.

— Ҳақиқатан ҳам, ушбу усулни машгулотлар пайтида кўп бора бажарган эдик, — дейди «Бунёдкор» аъзоси А.Шораҳмедов. — Режамиз иш бериб, чиройли тўп кирит-



«ЖЧ-2014» саралаш босқичи. Осиё китъаси. «А» гуруҳидаги ҳолат:

	Ў	Ғ	Д	М	Т-Н	О
1. Ж. Корея	4	2	1	1	9-4	7
2. Эрон	4	2	1	1	2-1	7
3. Ўзбекистон	4	1	2	1	4-4	5
4. Қатар	4	1	1	2	2-5	4
5. Ливан	4	1	1	2	2-5	4

ганимиздан, энг муҳими — халқимизга хурсандчилик улашганимиздан жуда-жуда бахтиёримиз.

Шу ўринда «Алания» (Владикавказ, Россия) клуби аъзоси ҳисобланган С.Турсунов терма жамоамизнинг кетма-кет тўртинчи ўйинида рақиб дарвозасини ишғол қилишга эришаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Зеро, легионеримиз бундан аввал Кувейт ва БАА термаларига қарши ўтказилган ўртоқлик учрашувларида, шунингдек, Жанубий Корея терма жамоаси билан бўлиб ўтган «ЖЧ-2014» саралаш ўйинида ҳам тўп киритишга муваффақ бўлган.



Ер бағирлаб парвоз қилаётган иккита қалдирғоч ўзаро суҳбатлашмоқда:

— Бугун менимча ёмғир ёғса керак.
— Нега энди?
— Одамларнинг айтишича, биз пастлаб учса ёмғир ёғар эмш, ўшанга айтаялман...

Замон ривожланиб, энди қалдирғочларга қараб об-ҳавони башорат қилишга ҳоҳат қолмади. Бу борада беминнат маслаҳаттўйимиз бўлган Гидрометеорология маркази мутахассисларининг билдиришича, пойтахтимиз Тошкентда 18-23 октябрь кунлари об-ҳаво ўзгариб, асосан булутли ҳаво ҳукмрон бўлса-да, ёғингарчилик кузатилмайди. 19-23 октябрь кунлари ҳаво очик бўлиши, шомол тезлиги 1 м/с дан ошмаслиги кутилмоқда. Ҳаво ҳарорати 19 октябрь кунги кечаси 1 даражага тушиб кетади ва 23 октябрга келиб 5 даражага кўтарилади. Қолган кунларда эса кечаси 5-10, кундузи 14-22 даража иссиқ бўлиши кузатилади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кечаси 4-11, кундузи 11-21 даража илик бўлади. Навоий, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кечаси 7-12, кундузи 14-25 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳам шундай об-ҳаво бўлиши кузатилади. Республикаимизнинг шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида эса кечаси 5-11, кундузи 16-21 даража иссиқ бўлиши кутилапти.

Тогли ҳудудларда 19 октябрь кунги кечаси 3 даража совуқ, 25 октябрь кунги кечаси 3 даража иссиқ бўлади. Кундузи термометр кўрсаткичи 5-12 даража илиқни кўрсатади.

Сўранг, жавоб берамиз!

50 ЙИЛДАН СЎНГ ОЗОН ҚАТЛАМИ ТЎЛИҚ ТИКЛанади

«Яқинда ОАВда Ер қуррасини ўраб турувчи, XX асрда маълум қисми емирилган озон қатлами жаҳон ҳамжамияти, табиатни муҳофаза қилувчи ташкилотлар томонидан кўрилган чоралар туфайли қайта тиклана бошлагани тўғрисидаги хабарни ўқиб қолдим. Бу маълумот қанчалик тўғри?»

О.Шоюсупов, Тошкент шаҳри.

Ҳақиқатан ҳам БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун 16 сентябрь — Озон қатламини муҳофаза қилиш кунини маиший, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасида атмосферага таъсир қилувчи газлардан

фойдаланиш 98 фоизга қисқаргани сабабли озон қатламини тикланаётганини маълум қилди. 50 йилдан сўнг озон қатламини батамом тиклашни тўғрисидаги фикрни Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбоса-

ри К.Солиқов ҳам тасдиқлади.

— Таъкидлаш жоиз: 1987 йилнинг 16 сентяб-рида Озон қатламини бузувчи моддалар бўйича ишлаб чиқилган Монреаль протоколини 24 та давлат имзолаган бўлса, бутунга келиб ушбу ҳужжатни ратификация қилган мамлакатлар сони 197 тага етди, — дейди К.Солиқов. — Аҳамиятлиси, Ўзбекистон Республикаси Монреаль протокоliga амал қилган ҳолда озон қатламини бузувчи моддаларнинг 99,95 фоизини муомаладан чиқариб, бу борада ҳатто ҳужжатда белгиланган режа кўрсаткичларини ҳам ортда қолдирди. Натижада Монреаль протоколи имзоланганининг 25 йиллик юбилеи арафасида юртимизнинг бу ютуғини юқори баҳолаган ЮНЕП (БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури) ташкилоти махсус ёрлик билан тақдирлади.

Шу ўринда озон қатламининг емирилиши қисқаргач, Ер юзидан бир қатор хавфли касалликлар камайгани ҳам айтиш жоиз. Хусусан, маълумотларга кўра, Протокол ижросининг бажарилиши натижасида саратон билан касалланишнинг 19 миллион, кўз катарактаси касаллигига чалинишнинг эса 130 миллионга ҳолати бар-та-раф этилган.

Milk-Rus
ООО «БОСИТХО»-JA-OTA

МАСЛО
«ПРИБАЛТИЙСКОЕ» МОЛОЧНО-РАСТИТЕЛЬНОЕ

ООО «БОСИТХО»-JA-OTA
Тел.: +998 98) 126-47-00 +998 93) 380-77-99

Реклама

НОВО-ПАССИТ

Табиий тинчлантирувчи восита

Мы делаем здоровье доступным во всем мире

ХАЁТИНГИЗГА ХОТИРЖАМЛИК ОЛИБ КЕЛАДИ!

Йодомарин®

Калия йодид

Море всегда с тобой!

- Устраняет дефицит йода
- Повышает иммунитет
- Улучшает память и внимание

BERLIN - CHEMIE MENARINI